



ЭШЛОҒИЧИ

1991 йил
30 август
Жума
№ 134 (14.809).
Баҳоси 10 тишин.

Ўзбекистон комсомол-
эшлари рўномаси

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

السلام عليكم، عزيزي موشتري!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси билан Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленуми тўғрисида АХБОРОТ

28 август куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси билан Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленуми бўлди. Пленум «1991 йил 19-21 август кунлари мамлакатда содир бўлган фожиали воқеалар ва жумҳурият партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда: Қорақалпоғистон жумҳурият партия кўмитасининг биринчи котиби Д. Н. Шамшатов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат Комиссиясининг раиси С. Мамаரசулов, Тошкент вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби С. Д. Сайдаев, шахсий пенсионер, жумҳурият уруш ва меҳнат фаришлари кенгашининг аъзоси П. Қаймов, Самарқанд вилояти Жомбой ноҳиясидаги «Жомбой» давлат хўжалигининг бригадари Қ. Исоқова, Бухоро вилоят партия кўмитасининг иккинчи котиби Ю. М. Сажиев, Андижон вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Қ. Қ. Холмирзаев, Ўзбекистон ССР Президентининг миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш. С. Зайнов, давлат-ширкат мена-сабабот ва узумчилик концерни «Узлордовощвинпром» бошқаруvinинг раиси А. Қ. Тошқабоев, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазирлиги С. О. Азиев, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академиги-котиби А. Д. Асқаров сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси билан Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленуми қабул этган қарорда ва пленум қатнашчиларининг баёнигида 1991 йил 19-21 августдаги фожиали воқеалар, давлат тўғрисида, Фавкуллода ҳолат давлат кўмитаси деб аталган кўмитанинг файриконституциявий хатти-ҳаракатлари мамлакатни фалокат ёқасига келтириб қўйганини таъкидланди. Исён барбод бўлганлиги СССРдаги иқтисодий-сиёсий вазиятни тубдан ўзгартириди, Иттифоқ давлат тузилмалари, жумҳуриятлар, жамоат ташкилотлари, барча фуқаролар учун жуда катта қийинчиликларга сабаб бўлди, бир ҳовуч авиаторларнинг қўллаб-қувватлаган КПСС Марказий Кўмитаси раҳбарлиги ортодоксал қисми, Марказий Кўмитаси Сийёсий бюроси ва Котибияти баъзи аъзоларнинг қўрқоқ ва тугурисиз позицияси, партия сийёсий оубу-эътиборини ўнглаб бўлмайдиган даражада тушириб юборди ва партия ташкилотларининг, барча софидлар коммунистларнинг тақдирини зарба остига қўйди.

Пленум жумҳурият ва Ўзбекистон Компартияси раҳбариятининг Ўзбекистон Компартияси Бюроси билан Марказий Назорат Комиссиясининг Раёсатининг баёнигида Ўзбекистон ССР Президентининг файриконституциявий ФХДКнинг қўрқатилган ва қарорларни эътирф этиш масаласи тўғрисидаги Фармонида, жумҳурият Олий Кенгаши Раёсатининг, Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокидоги баёнигида эълон қилинган позиция ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Пленум мазкур позицияни аҳоли асар қўчилигининг туб манфаатларига ва ораву-умидларига мос бўлиб ташаббусли, Ўзбекистон мустақиллиги, конституциявий тузумага садоқат принципларига асосланган позиция деб баҳолади. XXII съездининг жумҳурият суверенитетини, унинг Компартияси мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳақиқат ўз ҳаракат дастури ва Уставига мустақилликни йўли тўғрисидаги принципларини қўллаб-қувватлади, аралашувдан қайтариб олди ва ташкилотларни аралашувдан қайтариб олди ва ташкилотларни аралашувдан қайтариб олди.

Пленум иррақаб вазиятда турли илгогарликларга умий, сабр-тоқат, донолик ва осейшталликни намоён этган Ўзбекистоннинг барча коммунистларига, меҳнаткашларига, аҳолисига инминатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Ўзбекистон Компартияси, унинг раҳбар органларининг КПСС Марказий Кўмитаси, Марказий Кўмитанинг Сийёсий бюроси ва Котибияти соиб қўрқарлари, ортодоксал фикрловчи ва уларнинг йўлини қўллаб-қувватловчи ақида-парастлар қилган барча ёвузликлар, сохтакорликлар ва инюноятларга мулкдо алоқаси йўқлиги билдирилди. Жумҳурият Компартиясининг КПСС Марказий Кўмитаси билан ҳар қандай алоқаларини тўхтатиш, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқини, унинг марказий органларидан ўз вазифаларини қайтариб олиш зарур. Ўзбекистон Компартияси тўла-тўқис мустақил сийёсий ташкилот бўлиб қолиши керак, ҳозирги шароитда у ўз аъзоларининг тақдирини, жумҳуриятнинг ва халқининг келажакни учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодирдир.

Мустақил сийёсий ташкилот бўлиши жумҳурият Компартиясининг бундан буёнги фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларининг бутун мажмуини кўриб чиқини мақсадида пленум шу йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Компартиясининг фавкуллода XXIII съездининг қайришга қарор қилди. Съездга вакилик меъёри (800 партия аъзосидан бир делегат) белгиланди ва делегатларни сайлаш тартиби ишлаб чиқилди. Фавкуллода XXIII съездининг тайёрлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг ваколатли комиссияси тўзилади.

Пленум Қорақалпоғистон жумҳурият партия кўмитасига, вилоят, шаҳар ва ноҳия партия кўмиталарига, бошланғич партия ташкилотларига ишлаб чиқилган қарорларни барча коммунистларга етказиниши, Ўзбекистон Компартиясининг фавкуллода XXIII съездининг тайёрлик кўриш юзасидан ташкилотчилик ва сийёсий ишларни аниқ олдинини тошириди.

Жумҳурият коммунистлари жамоа ақл-идроки асосидоги, биргаланиб турги сийёсий йўлни ишлаб чиқа олишлари қайд этилди. Ҳозир улар саросимига тушмасликлар ва илгогарликларга умийликларга, партиясининг демократи нағзияда қучур ислоҳ этиш учун ҳамма ишларни қилишлари керак.

Пленум жумҳуриятнинг барча меҳнаткашларига ва аҳолисига мурожаат этиб, Ўзбекистон Компартиясининг қўллаб-қувватлашга қайриди. Янги сифатга эга бўлиб қолган Ўзбекистон Компартиясининг кенг омига таяниб, бундан буён ҳам исон ҳуқуқларига риоя этиш, илтимомий адолат йўлини изчилик билан оғиниш йўлига ўтказишига, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча меклат ва элалар учун муносив тўрмуш шароитларини яратишга, миллатлараро инюқлик, аҳолийлик ва инсонпарварлик қондалари асосидоги уларни маънавий жиҳатдан янгилашга қодирдир.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси билан Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленуми ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони КПССНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУДУДИДАГИ МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият меҳнаткашларининг қўлдан-қўл истак ва талабларини, жамиятда содир бўлаётган янада демократиялаш жараянларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга ва СССР Президентининг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мулки тўғрисида» 1991 йил 24 августдаги Фармонига амал қилиб:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Ўзбекистон

ССР ҳудудидаги бутун мулкини жумҳурият мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қиламан.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ушбу Фармонни рўйбага чиқариш борасида зарур ишларни амалга ошириб, жумҳурият мулки деб эълон қилинган партия мулкининг сақланишини ва бундан буён шу мулкдан Ўзбекистон

ССР қонунларига мувофиқ фойдаланишни таъминласинлар. Мазкур Фармон илзоланган лайддан бошлаб кучга кирди. Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти
И. А. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри
1991 йил 29 август

Ўзбекистон ССР Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ДЕҲҚОНЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1991 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДАН МОДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БУЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Жамоа ва давлат хўжалиқларининг пахта ҳосилини асосан ўз кучлари билан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишларини таъминлаш, моддий рағбатлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат хўжалиқларининг истемодал фонди ҳисобидан пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун қуйидаги миқдорда ҳақ тўлисин:

машинада терилган бир тонна пахта учун — 25 сум;
қўлда терилган қондицияли пахтанинг бир килограмми учун — 40 тишин.

Жамоа хўжалиқлари пахта терувчиларини моддий рағбатлантиришнинг аҳолида тартибни қўллаш тавсия этилсин.

Пахта теримидоги банд бўлганларга ҳар кун, беш кунда ва ўн кунда ҳақ тўлаш жорий этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Давлат банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон саноат қурилиши банки пахта теримидоги меҳнатга ҳақ тўлаш учун нақд пулни ўз вақтида бериши таъминласинлар.

3. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ҳисоб-китоб сўғларига набадалари бўлмаган жамоа хўжалиқлари ва давлат хўжалиқлари

ҳосилини йиғиб-териб олишда банд бўлган механизаторлар, жамоа хўжалиги деҳқонлари ва давлат хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун имтиёзли кредитлар берсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон ССР Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 августдаги 173-Р фармойиши билан 1991 йилда пахта териш машиналарининг механик-хайдовчиларига сотиш учун 1660 та энгил автомобиль ажратилган.

Машина терими ва қўл терими илгогарига сотиш учун бозор фондидан (деҳқончилик-саноат комплекси тармоқлари учун) 3000 та энгил автомашина ажратилсин. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги МССР Вазирлар Кенгашига ва вилоят илгогарига қўмиталарига шу мақсадлар учун ажратилган автомашиналарни марказлари бўйича етказсин.

Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши ва вилоят илгогарига қўмиталари пахта йиғиб-териб олиш тартибларини шайлаб чиқсинлар, уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилсинлар.

5. Маҳаллий Кенгашларнинг илгогарига қўмиталарига, жамоа хўжалиқларининг бошқарувларига ва давлат хўжалиқларининг дирекцияларига пахта йиғиб-терими қатнашчиларини моддий рағбатлантиришнинг аҳолида тартибни қўллаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиш кўмитаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши ва вилоят илгогарига қўмиталари пахта териш техникаси ремонтини, механизатор кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белгиланган муддатларда тўғаллаш чораларини, шунингдек, янги ҳосилнинг камида 60 фоизини механизация ердамида йиғиб-териб олишни таъминловчи бошқа чора-тадбирларни кўрсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. А. КАРИМОВ.



Ҳўжалиқнинг 300 гектарлик пахта майдонини июнь ойида сел олиб кетди. Деҳқонлар ана қайтадан чигит қадашга мажбур бўлдлар. Ушундан қолган қилгин меҳнатини самараси ёмон бўлмади. Ҳозирда ҳар тўп гўзадаги шоналар сон 7-8 тага етган. Табиий офатдан зин кўрмаган майдонларда эса бу кўрсаткич ундан ҳам юқори.
Биз Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясининг Ленин номидаги жамоа хўжалиги ҳақида фикр юритаётган эканмиз, деҳқонлар ҳар гектардан 30 центнердан ҳосил олиш мақсадида эканликларини қайд этмоғимиз лозим.
СУРАТА: жамоа хўжалиги раиси Нурмамет Турсунов, бош агроном Ҳасан Эшонқуловлар билан.
Сураат муаллифи Зоир ХОЛМИРЗА ўғли.

ИТТИФОҚ ПАРЛАМЕНТИНИНГ СЕССИЯСИДА

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

МОСКВА, 28 август. Россия ва Украина парламентлари вакилларининг Олий Кенгаши палаталарининг навбатдан ташқари сессияси очилди. Иттифоқ парламентининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибидоги энг муҳим масала — мамлакатда содир бўлган давлат тўғрисидаги муносабати билан вазирлар маҳкамаси тўғрисида қарор қабул қилини қўйилди.

Кун кеча СССР Президентини М. С. Горбачев депутатлар ҳузурида сўзга чиқиб, парламент аъзоларининг саволларига жаоб қайтарган эди. Ушундан кейинги сессия СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияга тайёргарлик қувчи комиссия тўзиди.

Бугун СССР Олий Кенгашининг сессияси Иттифоқ парламенти делегациясини Киевга юборди. Унга Россия федерацияси Вице-Президенти А. Рукой бошчилигидаги Россия вакиллари билан биргаллик Украина раҳбарияти билан учрашунинг вазифаси тоширилган. Делегация СССР Олий Кенгашининг сессиясида депутатларнинг нутқларида Россия билан Украина раҳбариятининг давлат тузилшини масалалари ҳамда худудий масалалар юзасидан айтган баъзи баёнотлари ҳақида гапирганликларини муносабати билан Украина поштахотига учиб кетди.

Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Нишонов СССР

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШ КЎМИТАСИ 1991 ЙИЛ 28 АВГУСТДАГИ I-СОН ҚАРОР

МАМЛАКАТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

СССР Президентининг 1991 йил 24 августдаги УП-2461-сон Фармонига биноан СССР халқ хўжалигини оператив бошқариш кўмитаси қарор қилади:

1. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан келишиб, СССР халқ хўжалигини оператив бошқариш кўмитаси тарихини унинг аъзолари сифатида қуйидагилар киртилсин:

- Г. З. Абдулҳалиқов — Грузия жумҳурияти Саноат вазири
- А. Ш. Азизбеков — Озарбайжон жумҳурияти давлат моддий-техника таъминоти кўмитасининг раиси
- А. И. Бектеминов — Қозғистон ССР давлат моддий-техника таъминоти кўмитасининг раиси
- И. Т. Гаврилов — РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари
- И. Қ. Жўрабеков — Ўзбекистон ССР Президентини ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари
- В. В. Ефимов — РСФСР транспорт вазири
- Д. Х. Каримов — Тожикистон ССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари
- И. А. Кенж — Белоруссия ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари
- В. И. Кисин — РСФСР саноат вазири
- Г. В. Кулик — РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари
- Н. В. Михайлов — «Винпел» марказий илдий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
- В. В. Носов — 1-давлат подшиник заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
- В. Д. Протасов — марказий махсус машинасозлик илдий-тадқиқот илгогарининг директори, СССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси
- Е. Ф. Сабуров — РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари
- В. М. Сергеев — РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг мухтор вакили
- Н. Т. Суянов — Туркменистон ССР ҳукумати бошлиқининг ўринбосари
- А. В. Тер-Исраелиян — Арманистон жумҳурияти давлат иқтисодий кўмитаси раисининг ўринбосари
- В. Г. Федоров — Украина ССРнинг доимий вакили
- В. С. Ҳажиев — Ўзбекистон ССР Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари
- И. К. Чубук — Молдова жумҳуриятининг доимий вакили

Қўзғити раҳбари
И. СИЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг қарори ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ўн иккинчи чاقирилган Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида чакрилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг
Раиси
Ш. НУЛДОШЕВ.
1991 йил 28 август.

Ўзбекистон ССР ўн иккинчи чакирилган Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси муҳоамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилди:

- 1. Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат мустақиллиги ҳақида.
- 2. Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат байроғи тўғрисида.
- 3. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларини ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида.

Сўнги ўн йилликларда тил сибати соҳасида бир қатор қарорларнинг ўзaro қарши кураши кузатилади. Бу эса ўзбек тили раванкига, асосан унинг лексикасига таъсир этганини аён. Шўролар Иттифоқининг кенг ҳудудларида рус тили миллатлараро муомала тилга айланганлиги тўғрисида факат тилшунос олимлар, фирқа ходимлари, давлат аппарати хизматчилари ва бошқа шахслар баъзан тўғри, баъзан эса нотўғри, бир-бирга зид бўлган ҳулосалар чиқариб келдилар. Жумладан, Л. И. Брежнев: «Ривожланган социализм шароитида, мамлакатимиз иқтисодиёти ягона халқ ҳужалиги комплексига айланган пайтда янги тарихий бирлик — шўро халқи кишиги тарбиялашда миллатлараро мулоқот қилиш сифатида рус тилининг роли объектив ошиб боради...» деб таъкидлади. Ўзбек олимлари гуруҳининг атоқли вакилларида бири профессор А. Фуломов «Ҳозирнинг» мана шу ва бошқа фикрларини «Қаҳбарлик ва йўналитувчи қўрсаткич» сифатида кўр-кўрона қабул қилган. И. Асфандиёров эса 1982 йилда Тошкентда чоп этилган «Русский язык в Узбекистане в условиях развитого социализма» («Ривожланган социализм шароитида Ўзбекистонда рус тили») рисолида «социалистик миллатларни яқинлаштириш жараёнини» жадаллаштириш, рағбатлантириш лозим деб ҳисоблаган. Бунинг учун у ва А. Фуломов ўзбек тилидан «гўруҳ, режа, кўргазма, талаба, асаб, мавзу» ва шунга ўхшаш сўзларни «тозалашни» таклиф қилди. Шунга асосан юқоридаги сўзлар ўрнига «группа, план, вставка, студент, нерв, тема» сўзларига алмаштирилган. И. Асфандиёров ўз асарига юқорида кўрсатиб ўтилган сўзлар синоним бўлса, ҳам, аммо тенг маънони англатмайди, «бир-бирининг ўрини босиши мумкин эмаслигини ишончли кўрсатишга ва исботлашга ҳаракат қилган. А. Фуломов ва унинг тарафдорлари нотўғри нукта наърада бўлганлар. Ўзбек олимларининг бошқа гуруҳи (Олим Усмонов бошчилигида) Ўзбек тили лексикасида асосси унутилган (жумхурият, кенгаш, байналмилал, таваллуд, дорилфунун) сўзлари ва ўзбек тили лексикасини бойитишда янгидан ҳосил қилинган (ҳодоллик — соғуҳона, морозилник — музлатник, пилосос — чангўплагич, плац — ёнгирлик ва ҳоказо) сўзлар билан бойитиш тарафдори бўлган. Бунинг учун О. Усмоновга «миллатчи» тамгаси ёлштирилган.

Сўнги бир, бир ярм йил ичида «Фуқаролик ҳуқуқи»га эга бўлган сўзлардан мисоллар келтирайлик. «Ёш ленинчи» рўзномасида: республика — жумхурият, совет — кенгаш, Верховий Совет — Олий Кенгаш, Президиум — Раёсат, газета — рўзнома, обуначи — муштарий, область — вилоят, район — ноҳия, рождение — таваллуд, фонд — жамғарма, французский — фаранг, процент — фоиз, редакция — тахририят, редакционная коллегия — тахрир ҳайъати, партия — фирқа, студент — талаба, студенчество — талабалик, учреждение — мақома, Совет Министров — Вазирлар Мақома, доклад — маъруза ва бошқалар кенг қўлланапти. Бунга телевидение — ойна жехон атамасини ҳам қўшиш лозим. Мазкур атам жехонда содир бўлаётган эртак ва ривоят қаҳрамонларни кўрсатувчи афсонавий кўзгу Алишер Навоий даврида ҳам қўлланган.

Матбуотда ўзбек тили лексикаси асосида янгидан яратилган: союз — уюшма, кризис — танглик, учебное заведение — билимгоҳ, высшее учебное заведение — олий билимгоҳ, вожатый — етакчи, старший пионервожатый — кашофларнинг бош етакчиси, пионерская лагерь — оромгоҳ, колхоз — жамоа ҳўжалиги, совхоз — давлат ҳўжалиги ва бошқа атамалар шулар жумласидандир.

Тил бойлиги— халқ мулки

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўпгина сўзлар маъносини кенгайтириш (янги маъно бериш орқали) яратилган. Масалан, бунга фонд — жамғарма, территория — ҳудуд, проблема — муаммо, авторитетный — мўтабар сингари сўзларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бир қаторда тилга менежер, менежмент, маркетинг, тикорат (коммерция), бозор иқтисодиёти (рыночная экономика) сингари бошқа янги-янги сўзлар кириб келмоқда. Ўзбекистон ССЖ (Ўзбекистон ССР), ССЖИ (СССР), ЛКЕИ (ЛКСМ), ЕТҚ (Ешлар ташиқчилар) қўмитаси — Комитет молодёжных организаций) сингари қисқартма сўзлар матбуотда пайдо бўлиши янглик ҳисобланади. Шу билан бирга Марказий Қўмита, Марказий Комитет, Комфирқа ва Компартия атамалари ҳам қўлланиши уяради.

Ниҳоят, 20-йилларда кенг қўлланиб келган жуғрофий бир қатор номлар ҳам қайтадан истеъмолга кириб бораётганлигини таъкидлаш керак. Жумладан, Оврупо (Европа), Амрико (Америка), Олмонья (Германия) ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мана шу келтириб ўтилган мисоллар жумхурият, шу жумладан, ёшлар ўзбек матбуоти тил тўғрисидаги Қонуннинг рўбага чиқаришга, тил лексика таркибининг бойитишга фол қўшилганлигидан гувоҳлик бериб турибди. Хулоса қилиб айтганда тилимизнинг бойлиги халқимизнинг ҳақиқий мулкига айлиб қолмишига эришиш учун тўғри йўлдан бораётганлигидан далолат беради.

Р. ТОШМУХАМЕДОВА, Ўзбекистон ЛКЕИ МҚ жумхурият ёшлар олий билимгоҳининг доценти.

Бунёдкор талаба ШИЖОАТЛИ КУНЛАР ЗАВҚИ



Ким нима деса десини ёзи таътил чоғида бунёдкорлик отрядлари сифатида ишлашнинг ўзинга хос завқи бор. Ҳўжабдор ноҳиссидаги табиий ёлтин юртининг 420 нафар талабаси ноҳиядаги деҳқончилик-саноати комбинати ҳудудида ёзи таътилни ўтказишга қарор қилдилар. — Қизларнинг ҳар бири, — таъинлайди отряд номандири Баҳром Тоқибоев, — нунга 400-450 килограмдан олма, олхўри теримишмоқда. Деҳқончилик-саноати комбинати болгаридан йиғиштириб олинган махсулот пешма-пеш завода юборилапти. Шундоққина хўжалик ҳудудида мева-чева қайта ишланиб консерва қилинапти.

А. МИРЗААНОВ, «Ёш ленинчи» мухбири. СУРАТЛАРДА: Ҳўжабдор табиий ёлтин юрти талабалари ёзи таътилда. Муаллиф суратта олган.



Халқ табобати

ДАВОЛОВЧИ МУАЛЛИМ

Бионур билан таъсир этувчи Акром Йўлдошев ҳақида у билан танишмасамдан уч ойча бурун ҳикоя қилиб беришган эди. Юз эшитгандан бир кўрган афзалда. У ота-онаси бола-чақаси билан яшайдиган Озод кўчасининг ўн тўқтинчи хонадонига бордик. Бостирма тағида беш-ун чоғи анан навбат кўтиб турган экан. Ичкарида Акром опаси Каромат билан беморларни қабул қилар, оналари Сарвар хола келувчиларни навбатга ёзар, кўриб-чиқувчилар орасида тартиб сақлаб туради.

...1979 йил Белгороддаги муаллимлар тайёрилик олий билимгоҳининг ётоқхонасида дам олиб ётган Акром она-сининг товушидан серкал тортиди. Овоз тўғри пастдан келатганидек эди. Шунинг учун у парданя суриб, деразадан кўйига бўйлади. Ҳаво одатдагидек салқин, агроф шовқинга қумилган. Дарахлар олдидан тугун кўтарган онаси, опаси ва отаси унга қараб жилмайиб туришарди. Акром ҳалигача нега уларнинг истиқболига югурмаганига ҳайрон қолади. Ҳеч нарса бўлмагандек кароватига қўйилди ва бир неча сониядан сўнг турди-да шониб пастга қаради: боғи жойда ҳеч ким йўқ эди. Навбатчида суриштарди. Уни биров йўқламаган. Уйга ҳабар қилди, улар ҳатто ўғиллари олдига келиш тарадулида ҳам эмас. Шу-шу бу нарса сирлигича қоларди.

Орадан ўн йил ўтди, 1989 йил декабрь. Марказий телевиденининг «Нигох» программасини томоша қилаётган Акромнинг чап қўли қизиб नेता бошлади. Увидини деса, тушпа-тузуқ ҳаракат қилаётган Синаш учун ушлаб ётган хотини. Раёсатнинг ишончасига яқинлаштириб турди. Бир неча дақиқадан сўнг боли қизиб нетган аёли безовталанди уйбонди. — Мендан дастлаб шифо тошлардан — аввало ўзим, ота-онам, беш йилдан бунга ҳеч қаерда ишломлаётган Нурали акам, болаларим бўлди. Одамларни даволай бошладим, ўзимни тўрт-беш йилдан буён қинаб келатган фарғ бўлдим. Мени, Нурали акам, Каромат опани ўйлай-ўйлай фалаж бўлиб, чап қўли, чап оёғи ишламай, тили тортилди қолган отамни даволадим. Болаларимни тўшани ҳў қилиб чиқисдан халос қилдим, — дейди Акром. Ха, бир умр тергов, ички ишлар органларида яхши давозимларда ишлаган Нурали ака сабобсиз қон босими кўтарилиши, юрак силлиниб, оёқ ости совотишдан безовта бўлиб юрди. Унинг иши ниҳоятда масъулиятли эди. Аммо ишдан ҳам, мансабдан ҳам воз нечишга мажбур бўлди. Қарангки, беш йил чекан аъоби улангич берган синия сенсидан сўнг даф бўлди, қўли, одамларин даволаётган

ЎТ БАЛОСИ...

Ўт ўчириш қисминин дарҳол обёна тургазди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас улар ёнғин чиққан жойга етиб келишди. Ёнғин жуда жиддий тус олганини айтиб, ёрдан га Чилозоор, Онтабў, Киров ноҳиялари қисмларидан ўт ўчирувчилар етиб келишди. Тошкент осмонини қоп-қора бурйирган тугун Т. Шевченко кўчасидаги 8-уйда чиққан ёнғин оқибатида қолган эди. Дахшлатли оловни ўчиришга катта кучлар жалб қилинди. Жангчилар маҳорат билан ёнғинни бартараф қилишди ва бир қанча шу уйда истиқомат қилувчиларни беҳавотир жойга олиб чиқдилар. Ёнғин чиққан хонадон ағвасини бошига отир кулфат тушди. — Бу ачинарли ҳодисанинг сабаби жуда оддий. Хонадон эгаси кир ювиш воситаси сифатида бензин қўллаш оқибатида портлаш рўй берган.

А. АҲМЕДОВ, Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаз қилиш бошқармасининг давлат инспектори.

XX АСР КУНДАЛИГИ

ХАБАРЛАРДА ОЛАМ НАФАСИ

ТАН ОЛИШМОҚЧИ ЭМАС
ТОКНО, 28 август. Токио Молдова Совет Иттифоқидан мустақил бўлганини ҳоёрча тан олиш ниятида эмас. Япония вазирлар мақомасининг бош котиби Мисодои Сакамото бу ерда журнал-листлар билан учрашувда шуларни айтди.

КАНАДАНИНГ НИЯТИ
Канада гарчи Болтиқбўйи жумхуриятлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатилишига тайёр эканлиги маълум қилган бўлса-да, Украина ва Молдова мустақиллигини тезда тан олиш ниятида эмас. Канада ташқи ишлар вазирлигининг вакили Скотт Маллин шу ҳақда гапирди. Мазкур масалага ёндашувдаги фарқ шундан иборатки, деди у, Оттава Литва, Латвия ва Эстониянинг Совет Иттифоқига киришини ҳеч қачон тан олмаган, бошқа жумхуриятларга эса ҳамма вақт унинг таркибий қисми сифатида қараган эди.

ПЕНАЛТИНИ КИМ УЙЛАБ ТОПГАН?
БАРЧАМИЗГА маълумки, бу ибора футбол бўлишига таваллуқли. Фақат уни ким ва қачон ўйлаб чиқарган, бунинг ҳамма ҳам билвермас керак. «Пеналти-кик» (дастлаб шундай аталган)нинг муаллифи Ирландиянинг «Милфорд Эвер-

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор сентябрь кунин Совет Иттифоқи қисқа ташир буюради. Сешанба кунин маълум бўлишича, Британия ҳўкумати бошлиғи расмий ташир Би-лан Пекинга бораётиб Москвада ўтаб ўтади. Хабар қилинишича, Мейжор СССР Президенти Мизамил Горбачев, РСФСР Президенти Борис Елцин, шунингдек, демократик ҳаракат раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Бош вазир Болтиқбўйи жумхуриятлари вакиллари билан ҳам учрашини истисно этилмапти.

БЕРЛИН. Бу ерда Москва шахри ҳўким Гавриил Попов расмий ташир буюрди. Ташир бўлишга Москва билан Берлин ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш, Берлиннинг ҳўкмрон бургомейстри Эверхард Динген билан музокаралар олиб бориш, савдо-саноат ва жамоат доиралари вакиллари билан учрашини киритилган.

НЬЮ-ЙОРК. Иккита шўро «МНГ-29» қирувчи тайёраси «МЛ-76» транспорт тайёраси намойиш училарини ўтказиш

ушун АҚШга келди. Бу тайёрлар Амрикога 19 август кунин келиши керак эди, лекин СССРда давлат тўнтарини қилишга уриниш содир бўлганига қарши норозилик белгиси сифатида АҚШ маъмуриятини таъйёрларнинг келишига рухсат беришмаган эди. Энди, Совет Иттифоқидан қонуний ҳўкумат тикланганидан кейин, Амрико тўмони бу тақдирни бекор қилди.

БМТ бош котиби Эрон билан Ироқ ўртасидаги муносабатларда сақлиниб қолатган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 10 сентябрь кунин Эронга йўнал кетди. Сешанба кунин БМТнинг Нью-Йоркдаги қорроғида шу ҳабар эълон қилинди. БМТ бош котиби вакилининг таъкидлашича, Перес де Куэльярнинг Эронга сафари бу ерда ўйлашавганидек Эрон таъсирда бўлган айрим Ливан гуруҳлари томонидан ҳамон гаровга ушлаб турилганлар муаммоси билан

боглик эмас, балки БМТ ҳавфсизлик кенгашининг Эрон-Ироқ муносабини бартараф этиш тўғрисидаги 598-резолуциясига доир ҳал этилмаган масалаларга таваллуқларди. Улар орасида уруш натижасида келтирилган зарар учун тонов тўлаш муаммоси, шунингдек, ҳарбий халис органини аюнда келтириш масалалари бор.

ВАШИНГТОН. «Сахродеги бурон» операцияси тугалланганидан кейин Кувайтда турган Амрико қўшинлари уни ҳимоя қилиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун шу мамлакатда ана турарвадилар. АҚШ мудофая вазирлигининг расий вакили шу ҳақда хабар қилди. Унинг сўзларига қараганда Амрико қўшинларини Кувайтда сақлаш зарурати шу билан изоҳланадики, «бу мамлакатнинг ўз ҳавфсизлиги кучларини тиклаш соҳасидаги силлиш аввал кутилганидан сўзроқ бўлиб чиқди».

САКТӘДНАТИ ҳўлисини йиртқиқ ҳайвонлар «босиб кетган», яъни ҳовли айланаси қафас бўлиб, уларда қолган, йўлбарс, арслон, қўйнинг, йиртқиқлар Урин олган. Соъмуқ уларни ҳўвес билан боқадим. Бундан ташқари у икки фарзандининг онаси ҳам.

Иртинчиларнинг ўқиринишдан қўшинлар кўпроқ азият кечкишмоқда. Улар шикоят бўйича текшириш учун қинда полиция ҳам келди. Бирок Соъмуқда расмий рухсатнома бор эди. **ЕШ «КОМЕРСАНТ»** «ЮЛИХАЛИК (ГФР) 11 ашлар Карл доим ота-онасида дақки эшитиб юрарди. Унинг ота-онаси учун ўқиб эмас, пул топиш муҳимроқ эди ва Карлин ҳам...» «Сендай пайтимишда биз бу соҳада анча тиришқоқ ва тақбирларроқ эдик» дея уришишарди. Аблате, бу дақиқа Карлга отир боғарди. Бир кунин Карл онасига 25 марта келтирди. Онаси пулин қандай йўл билан топганини сўради. Карл отасининг неча йиллардан бери йиниб юрган почта нарасини сотганини айтди. Лекин онаси дақшадан донг котди, чунки марта 100-120 марта қинма турарди, деб хабар берди немисларнинг «Вельтам эонига» рўзномаси.

Маршал ЯЗОВ қандай қилиб ва нега фитначиларга қўшилиб қолди?

Мен Язов билан тўнгарин юз берган биринчи кун эртадан ўн бирларга гаплашдим. Сухбат қисқа бўлиб, ўзгаришга иштарбия берди. Язовнинг иштарбияси вақти эмас, янги қараман-қаршилик келгани. Бу эрта тонгда, Марказий телевизионда наattoқлари қабул қилинган Фавкуллода ҳолатини асариюга қўйиб (бостиринган ҳал) дейилса тўғрироқ бўларди) тушуниб, кутиб олганини баён қилаётган бир пайтда айтилган эди. Тушуниш бўлмаганлигини Язов ўшандаёқ англаб етганди. Шунда ҳам у ФХД тарихида қолаверди, таваб қилмади, армияни олиб чиқиб кетмади. Нега? Уни қандай қилиб кўнради олишди? Язов эгаллаб турган лавозими учун Горбачевга қулдук қилиши керак эди-ку? Ҳаммага маълум-мушхур Маршас Руст ўз таёйрасида ҳеч бир қаршилликсиз шундоққина Кремль ёнига — Қизил майдонга қўнгандан кейин КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби маршал Сергей Соколовни олиб ташлаб, унинг ўрнига Мудофаа вазирилик кадрлар Бош бошқармасининг бошлиғи Язовни тайинлаганди. Уларнинг Подмосковьедаги дала ҳовлилари ҳам ёнида. Иттифоқ Олий Кенгашида Язовни тасдиқлаш чоғида депутатларда туғилган саволларга ҳам Горбачев ўзини қалқон қилган эди. Ҳа, Язов Олий Бош Қўмондонга саноқли эканлигини ҳаммиша намоён этиб келарди. Ушанда у Язовни кўрсатганимда ёни муғомбирлик қилганимди? Асло ундай эмас. У қаллоб эмас аскар эди. У қолда нега бундай қилди? Язовнинг адоётияти маркор С.:

— Шу йил кунда, 19-ва 20-да Қария қаттиқ изтироб чекиди, ранг-руйи бир ҳолатда бўлиб қолди. Биз, уни яқиндан кузатиб юрган кишилар, ҳаммасини кўриб турардик. Ановилар кўрол кўлашга уни қандай кўндрмоқчи бўлганликларини ҳам билардик. Аммо у бу таклифни ҳисоб қилмади. «Мен Пиночет бўлмайман». Мен уни оқламоқчи эмасман. Лекин Язов бўлмаганда, ҳозирдан юз чандон кўп кун ўтказарди. Фақат у нега ановиларга қўшилиб қолганини ҳеч биримиз тушунамаппиз. Менимча, у сиз билан биздан кўра бошқа формация кишиси бўлгани учун шундай қилган бўлса керак. Биз учун Ватан, она, оила деган муқаддас тушунча бор. Унинг учун яна бир муқаддас тушунча — партия, КПСС бор эди. Ҳойнаҳой ўшалар уни кўндрдишандир. Гарчанд, у фитначиларнинг кўчилигини олдиндан еътирмаган, уларни арақхўрлар деб сўкиб келган бўлса ҳам.

Мудофаа вазирилик ахборот бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Валерий Мамиллов шундай ҳикоя қилди:

— Шу кунларда фақат бир нарсга устидан бош қоти

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирилик Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг тажрибавий ҳажимли-бюджет уйсозлик эксперементал комбинати қошидаги 5-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991 — 1992 ўқув йилига

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ҚУНИДАГИ ИХТИСОС-ЛИКЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШИЧ КВАДРАТНИ ТАЙЯРЛАЙДИ: бўғичи-сувоқчи, қуришчи лудрадор, электр пайвандчи, сувоқчи-пардозловчи-платкачи, гипс терувчи.

Билим юртига 6 ва 10 ойлик гуруҳларда ўқиш учун Совет Армияси сафарига ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

3 йиллик гуруҳларга эса 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

Ўқиш даври ўзлуқсиз меҳнат фаолиятига қўшилиб ҳисобланади.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга ўрта маълумот тўғрисида диплом ва эгаллаган касби бўйича малака разряди ҳақида диплом, 6 ой ва 10 ой ўқинганларга эгалланган ихтисоси бўйича диплом ва малака разряди берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикисини «Главташкентстрой»нинг қуришларида ўтказадилар. Ишлаб чиқариш практикисини даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизи тўланади. Ҳамда ҳар ойга 6 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 160 сўмдан, 10 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига эса 80 сўмдан, 3 йил ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 40 сўмдан нафақа берилади.

3 йиллик гуруҳларда ўқийдиган ўқувчилар ҳар кун 3 наҳал овқат ва бепул кийим-бош билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига йўлланма билан ўқишга юбориладилар.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик, нақш тўғрақлари ва порт секциялари мавжуд.

ИШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қўнидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва ёғлиги ҳақида маълумотлар, 6 дона сурат (3х4 см).

Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 5-ўрта хуна-техника билим юрти. 66, 161, 55-автотусликнинг «57-мактаб»; 22-автотусликнинг «Дегтярев кўчаси»; 5, 26-трамвайларнинг «Булок» кинотеатри; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекети.


Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТАЖРИБАВИЙ ҲИЖИМИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ, СОЮЗРЕКЛАМА БУТИНИТИФОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕК ИСТИСОСЛИК РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўқувчилар қўнидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва ёғлиги ҳақида маълумотлар, 6 дона сурат (3х4 см).

Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 5-ўрта хуна-техника билим юрти. 66, 161, 55-автотусликнинг «57-мактаб»; 22-автотусликнинг «Дегтярев кўчаси»; 5, 26-трамвайларнинг «Булок» кинотеатри; 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекети.

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.



Ўқувчилар қўнидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва ёғлиги ҳақида маълумотлар, 6 дона сурат (3х4 см).

ИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ЎРТА ОСИЕДАГИ ЭНГ ЙИРИК ҚОРХОНАЛАРДАН БИРИ БЎЛИШИШ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА МЕХНАТ ҚИЛМОҚЧИ ВА МАШИНАСОЗЛИК СЛИИ БИЛИМГОҲИДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

8-ТАЖРИБАВИЙ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу йрда Сиз ўқиш аппаратларини йиғувчи-чиангар, неханка-йиғув ишлари чиангар, саноат ускуналарини таъмирловчи чиангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастохларнинг оператори, тонар, фрезер, нег камровли дастохчи касбларини эгаллаб чиқаришга мумкин.

ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларни битирувчилар тажрибавий гуруҳда ўқийдилар ва 2 йил давомида ўрта маълумот ҳамда касб гаси бўлидилар.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи илакасини эгаллайдилар.

11-синфларни битирувчилар ойнага 115-150 сўм миқорда стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида асб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқатланиш, кийим-бош илан таъминланадилар. Ўлар Чалов номидagi Тошкент вилояти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳамлашлари мумкин.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚўШИВ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини «ёло» баҳолар билан битирганлар ашинасозлики олий билимгоҳига ва уювчилик билим ртига ўқишга юбориладилар.

Совет Армияси сафарига хизмат қилиб қайтган бош-шаҳарлик ўқувчиларга етоқхонадан жой берилади. Билим юртига қўнидаги қорилиди: 10, 23, 27-трам-вайлар; 18, 48, 97-автотуслик; 1, 10, 14, 18, 24-трол-лейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси бекети. Манзилгоҳи: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация р кўчаси, 10-уй. Телефон: 41-75-54.

ЎЗБЕК ИСТИСОСЛИК ВАЗИРЛИГИ ИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР! 10-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991—1992 ўқув йилига ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА Ўқувчилар қабул қилади

Яна буюртмаларини таъмирчи-битувчилар (Ўқиш муддати — 1-3 йил).

Кенг ихтисосли сартарошлар (Ўқиш муддати — 1 йил). Ошпаз-қандолатчилар (Ўқиш муддати — 1-3 йил), музлатгичларни таъмирловчи усталар (Ўқиш муддати 3 йил).

соғувчи-буфетчи, назоратчи-кассир (Ўқиш муддати — 1 йил).

кеч ихтисосли суратнашлар (Ўқиш муддати — 3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синф маълумотидагилар бепул овқат, кийим-бош ва 40-50 сўм стипендия билан таъминланадилар.

11-синф маълумотидагилар ойнага 80—100 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қўнидаги ҳужжатлар билан тоширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, ота-овасининг иш жойидан маълумотнома, турар жойдан маълумотнома, таржима ҳол, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юртининг манзилгоҳи: 700098, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов ноҳияси, Қора-қамиш 1/2 ҳақиси, 20-уй. (42, 43 «а»), 56, 93-автотусликнинг; 27-трамвайнинг «Мам-таб» бекети; 7, 10-троллейбусларнинг охириги «1/4 Қора-қамиш» бекети; 82-автотусликнинг «1/4 Қора-қамиш» бекати.

ЎЗБЕК ИСТИСОСЛИК ВАЗИРЛИГИ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ил газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси

16-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1991 — 1992 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

16-хунар-техника билим юрти 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизларни ўқишга таклиф қилади. Сиз бу хунар-техника билим юртида тўғувчи, шликловчи, йиғирувчи, на-лаваловчи ихтисослиги бўйича хунарларни эгаллайсизлар.

Ўқиш муддати 10 ОИДАН 2 ЙИЛГАЧА.

Ўқишга кирган ўқувчилар ҳар ойда 120 сўм миқорда стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти Тошкент тўқимачилик комбинати учун ишчилар тайёрлаши сабабли, ўқувчиларга шу корхонада ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Булардан дам олиш зоналари, маданият саройи, спортга киришувчилар учун эса «Текстильщик» спорт комплекси ишлаб турибди.

Билим юртида ҳар хил тўғрақлар бор. Булардан: расмага олиш, миллий чолу асбоблари, мутахассслик, енгил атлетика, сузиш, волейбол, спорт секциялари тўғрақлари мавжуд.

Ўқувчиларга амалий иш даврида 100 фонд ёки 200—250 сўм ҳақ тўланади.

Ўқиш даври тугагандан сўнг эса комбинатда ишлаб қолган ишчи-ёшлар 250 сўмдан 500 сўмгача маош олишади. Бу бозор иқтисодиётига ўтган давримизда баъзи камчиликларни бартараф қилиш мақсадидир. Корхонадаги озиқ-овқат ва сабаот дўконлари, машичи комплекс ва сартарошхоналар ўқувчи ёшлар ихтиёрида бўлади. Ишчиларга ер бериш яъни уй қуриш учун ер олиш ва квартира билан таъминлаш имкониятлари бор. Бу шароитларнинг ҳаммасидан шу, 16-хунар-техника билим юртини тугатганингиздан кейин фойдаланишингиз мумкин.

Қўнидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 6 дона (3х4) расм, турар жойдан маълумот.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. Телефон: 55-44-85. Транспор восталари: 80 «а», 57 «а», 97, 98, 2-автотуслик; 14-троллейбусларнинг «Билим юрти» бекати.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕМИЛИ ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

аёллар, эркаклар ва болаларнинг устни кийимларини таъмирчи буйича моҳир чевар бўлиб етишини истаганда бўлган 9—11-синф битирувчиларини

Ўқишга таклиф қилади

МАНШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларни битирганлар 1—3 йил ўқийдилар ҳамда бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бир йиллик таълим дастури бўйича ўқийдиганлар касбий маълумот ҳамда таълим малакасини эгаллайдилар ва Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси база корхонасига ишга юбориладилар; 3 йил ўқийдиганлар касбий ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларнинг 10 фоизи олий ўқув юртига ва техникумларга ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

11-синфни битирганлар 6 ой ўқийдилар ва ойнага 60 сўмгача стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикисини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

Ўқиш даври МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚўШИВ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юрти ўқувчилари «Қизил тонг» фабрикаси ҳудудида жойлашган машичи ва тиббий хизматлар, профилакторий, саноат моллари ва озиқ-овқат дўконларидан фойдаланишлари мумкин.

Билим юрти қошида ўқувчилар «Модалар театри» ва И. Ганди номидagi Тикувчилар маданият саройи бава-сидиги ҳар хил киноди, спорт тўғрақлари ишлаб турибди.

Кирувчилар қўнидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, турар жойдан ва ота-овасининг иш жойидан маълумотнома, турар жойдан маълумотнома, 7х4 см қатнашчилик 4 та фотосурат.

Билим юрти манзилгоҳи: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60, 71, 80-автотусликнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).



— Қўрқмайсанми? Кузатиб қўйсак...
Бундай илтифотдан қизлар хурсанд бўлишар, балки. Яхшида, ёшларда шундай айлантиқ йигитлар юрса, беҳаттарроқ. Аслида ҳозирча хийбонлар, кучалар махсус қўриқчилари — ОМОНЧИЛАРИНИНГ вазифаси, бурчи бу. Баъзан қилган хизматлари учун тақдирланишади ҳам. Аммо кимдан, нимадан хавфсираш керак? Қўриқчи — нитга қаратилган? Буни иснонқ.

Ҳарқалай оракда ҳақиди йўқ, хотиржам куларининг байрам. Кўнгиллар ёзилиб ҳордиқ чиқариш учун тапш буюриладиган масканларда эҳтиёт чоралари — буй тусдаги одамлар юраркан, байрам татиринмак?

ШАГИН сурати, (ТАСС).

ДИҚҚАТ: ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА

«КЛИМЕНТ» ҲУЗУРИГА МАСЛАҲАТ СЎРАБ

Тошкентда ёшларнинг одатдан ташқари «Климент» деб аталган инновация-маслаҳат бирлашмаси очилди. У Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассслири бирлашмаси ҳузурда ишлайди ҳамда бошловчи бизнесменларга бозор муносабатлари айлосини дадилроқ ўлаштиришда ёрдам беради.

— Лекин бу юзани қараганда кўзга ташланадиган нарсалар, — дейди Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассслири уюшмасининг президент-Зохид Исролов. — Бизнинг «стратегия» вази-фаларини анча катта. Жумҳуриятнинг учун асосий муаммолар — ресурсларини тежаш ва компьютерлаш, кон қазич, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳасида илгор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларини ҳал этаётган ёш олимларнинг доимий ёрдамчиси ва шериги бўлишимиз керак.

«Климент»нинг дастлабки таърибиси ўзига хос ва муваффақиятлар уриниш бўлиди: у бачча хо-ловчиларни ҳал этиб бўлмас муаммоларини «ад-заковат ила эгаллаш» усуллари билан таништиришга ҳаракат қилади, бу усул касон азиятида анча кенг тарқалган. «Климент» ижодий гуруҳлар учун ижодий таъқиқларни мадаллашчи дарсни ҳам аталган қўнидаги олим билан бирлашган фаол назарий ва амалий машғулотлар чоғида тинглов-чилар махсусдор ижодий фаолият технологияси билан танишдилар, янги ечимларни излаш бо-расидида замонавий усуллардан фойдаланиш кўни-маларини ҳосил қилдилар. Бу эса ёлоқда қо-билнига — ўзига хос фиркарлар қўнига эга бўлган юдимларни тезроқ тайёрлаш имконини беради.

Н. ПОЛЯНСКАЯ, УСТАГ мўҳбири.

«Обуна-92»

Агар ҳамроҳ истасангиз...

«ЕШ ЛЕНИНЧИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Шундай лаҳзалар бўладики, дардлашгани дардаш тополмайсан киши. Ота-онангдан уяласан, дўстларингга ишонмайсан, расмий идоралардан чўйисан...

Шундай лаҳзалар сениюнга дуч келсангиз-да, кўнглингни чўктирманг. Дарддингни тинглайдиган, дардингизга мад-ҳам бўладиган ва ўзгалар қувончини ўз қувончи биллиб қувонадиган, ўрни келганда ўйин-кулги қилишининг уддасидан чиқа оладиган қаламқашлар маскани — «Еш ленинчи» рўномаси бор.

Бир йилга бир йўла 24 сўм 96 тийин тўлаб қўйсангиз, тўрт фасл дард чекмай-сиз. Елғиз қолмайсиз.

Темирини қизғида бос дейдилар. Вақт борда «Еш ленинчи»га обуна бўлинг. Фақат ютасиз — асло ютқазмайсиз!

Индексимиз: 64607.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таъхир хайъати: **М. АБДУСАМОВА, А. АХМЕДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **К. ЖУМАНҒЕЗОВ, А. ОРЗИМОВ, З. ОРТИҚҲУҲАЕВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСОНОВ** (масхум котиби), **С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШМАТОВ.**

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (МҲРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ ЎЗБЕКИСТАНА)

Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМ:

ёшлар сиёсати — 32-57-93; ижодор ёшлар — 32-55-98; иқтисодий ва экология — 32-58-47; фан ва халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданият мерос — 32-58-47; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; халқлар ва оқмажвий ишлар — 32-56-57; ахлоқорор — 32-57-52; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607, 380.000 нуҳада чоп этилади.

Қўлзмазалар ҳамда суратлар муал-лифларга қайтарилмайдиган ва тақдир этилмайди.

Рўномамиз ҳафта-нинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқади.

Яна рўномалда қуришгунча!

Ўзбекистон КП МК нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордемли боқмаҳонаси. Чоп этиш вақти соат 20.0/Иланган, Чоп этиш учун соат 20.00 да низо чўнилади. Буюртма № 5698 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12